F 24497

ҚАШҚАДАРЁ. Косон тумани Халқ банки бўлими жамоаси омонатчилар билан ишлашни кенгайтириш ва қулайлик яратишга аҳамият бермоқда. Хусусан, банкнинг 6 жойда янги бўлими очилиб, алоҳида бинолар қуриб берилган.

ОМОНАТЧИЛАР МАМНУН

Меҳнатинг - зийнатинг.

Аҳоли эса ўз жамғармаларини туман марказига эмас, ана шу жойлардаги бўлимларга бевосита топшириш имкониятига эга бўлди. Бундай қулайликдан омонатчилар мамнун.

Юнус УЗОҚОВ.

АНДИЖОН. Аббос Бакиров номли вилоят ёшлар театри жамоаси Бошқирдистон санъатсеварларини мамнун этишди. Андижонлик режиссёр Маннон Ҳамидов Уфадаги "Нур"

ХОРИЖЛИК САНЪАТСЕВАРЛАР ҲУЗУРИДА

театри саҳнасида араб драматурги Ваннус Саадалла қаламига мансуб "У Султон нима-ю, бу Султон нима?" комедиясини саҳналаштирди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

29 МАРТ

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Элликқалъа туманида чорва моллари зотини яхшилаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда зооветеринария хизмати йўлга қўйилган. Мақсад — чорва наслини яхшилаб, маҳсулдорликни ошириш. Мазкур зооветеринария хизмати ходимлари "Қирққиз обод" "Тозаамир-обод", Ғ. Одилов номли фермер хўжаликларидаги ҳамда хонадонлардаги чорва моллари ни ветеринария кўригидан ўтказмоқдалар.

ҲАМ СУТ, ҲАМ ГЎШТ

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

СУРХОНДАРЁ. "Сурхонсут" ҳиссадорлик бирлашмаси 20 гектар майдонга эккан маккажўхори униб чиқди. Энди пахтачиликка келсак, бу йил Сурхондарё деҳқонлари 120 минг гектарга яқин майдонда ҳосил



Спорт - соғлик гарови.

ЭКИН - ТИКИН КИЗҒИН

етиштирадилар. Шунинг 1850 гектарига плёнка остига чигит экиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда вилоятнинг барча туманларида чигитни плёнка остига экиш қизғин бормоқда.

Олимжон УСАНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 29 март, шанба № 38 (22.122).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЯНГИЧА ХИЗМАТ ТУРИ

ФАРҒОНА. Вилоят аэрогеодезия экспедицияси идораси ташкил этилди. Мустақил ҳисобланган бу экспедиция мулк шаклидан қатъи назар халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳолини топография-геодезия маълумотлари, аэрофотосъёмка ҳужжатлари, картография маълумотлари билан таъминлайди. Бундай идора юртимизда ташкил этилган учинчи ўзига хос хизмат манбаи ҳисобланади.

Алишер ИБОДИНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Хитойда порахўрликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан, бундан буён мамлакатдаги мансабдор шахслар ўзи, хотини ёки вояга етган фарзанди учун уй сотиб олса, чет эл фуқароси билан никоҳдан ўтса, хорижга сафар қилса, ҳатто тўй ёки дафн маросими ўтказса ҳам бу ҳақда тегишли идораларга маълум қилиши шарт.*

* * *

☑ *1994 йилнинг октябрь ойида Озарбойжонда давлат тўнтариши қилишга уринган кучларга раҳбарлик қилган собиқ Бош вазир Сурат Гусейнов ҳибсга олиниб, Москвадан Боку шаҳрига келтирилди. Айни пайтда у махсус қамоқхонада сақланмоқда. Озарбойжон миллий хавфсизлик вазири Намиқ Аббасовнинг журналистларга маълум қилишича, С. Гусейнов анчадан буён Россия Федерацияси ҳудудида яшириниб юрарди. У Россия ва Озарбойжон Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида ҳибсга олинган.*

* * *

☑ *Того давлати пойтахти — Ломеда Африка қитъасидаги 15 давлат раҳбарларининг фавқулодда учрашуви бошланди. Олий даражадаги ушбу учрашувга Зоир давлатида рўй берган сиёсий танглик сабаб бўлди. Анжуманда муҳокама этиладиган асосий масала Зоирнинг ҳозирги ҳукумати билан исёнчилар раҳбарлари ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар бошлашдир. Учрашув «Африка бирлиги ташкилоти» ҳомийлигида ташкил қилинди. Унда БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам иштирок этмоқда.*

* * *

☑ *Туркия Россияни Арманистонга оғир қуроллар етказиб бериш бўйича тергов ишини тезлаштиришга даъват этди ва бундан буён шу каби нохуш воқеаларга йўл қўйилмаслигига умид билдирди. Туркия Ташқи ишлар вазирлигининг ўтган душанба куни Анқарада тарқатилган баёнотида шундай дейилади. Туркия ташқи сиёсат маҳкамаси Арманистонга қурол-яроғ етказиб бериш «минтақадаги тинчлик ва барқарорликка путур етказиши»ни таъкидлади.*

* * *

☑ *«Англиялик мижоз» картинаси 1996 йилда ишланган энг яхши фильм сифатида эътироф этилди. У 12 кўрсаткич бўйича мукофотга тавсия этилган эди. Фильм 9 мукофотни, жумладан «Энг яхши режиссёрлик иши учун» совринини ҳам қўлга киритди. «Энг яхши эркаклар роли учун» «Оскар» мукофоти эса «Нурланиш» фильмида яратган образи учун Жефри Рашга тақдим этилди.*

МДҲ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

МОСКВА, 28 март. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Кеча Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги юбилей учрашувида иштирок этиш учун бу ерга келди. Внуково аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари В. Серов, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Кремлда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДҲ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлисларда МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши, интеграция жараёнини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Улар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кутилмоқда. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протокол имзоланади.

(ЎзА).

Қўшработ яйловларида. **А.ЗОИРОВ олган сурат.**

ТУПРОҚДАН «ТИЛЛА» ТОПГАН БОБОМ

ВА ЕР БИЛАН «ТИЛЛАШОЛМАГАН» УКАМ...

Бобом билан боғлиқ хотираларни ҳеч унутолмайман. Жуда содда, донишманд, ҳақиқий деҳқон киши эдилар. Оппоқ яктак кийиб, эрта тонгданоқ узгача шижоат билан кетмон чопишлари ҳовлимизга ҳуб ярашиб турарди. Бир куни уйғониб қарасам, бобом томорқанинг ҳар-ҳар ерини кавлаб қураётган эканлар. Ҳайрон бўлиб сурадим: «Нима қиляпсиз, бобо?» «Тилла ахтаряпман, болам» дедилар кулиб. «Топсангиз, менгаям берасизми?»

— Сен тиллани нима қиласан, қузим?

— Менми... Мен шойи кўйлак оламан!

Кейин уйин билан овора бўлиб кетдим. Кечга томон келсам, бобом ҳалиям томорқада эканлар. «Бобо, тиллани топдингизми?» дедим. «Ҳа, топдим, кел, мана кўргин...» Қизиқиб, ёнларига бордим. Бобомнинг ҳовучидаги тупроқда биланглаб турган чувалчангни кўриб, кулиб юбордим. Шунда бобом менга обдон тушунтира кетдилар: «Мана шу жонивор яшайдиган ернинг тупроғи соз бўлади, соз жойга экин экканг ҳосили мўл бўлади. Бу томорқадан яхши ҳосил олсак, анави чорбоғимиздан мева йиғсак, кузга бориб ҳаммасини сотамиз. Қарабсанки, бир қоп тилламиз бўлади. Ана шунда сенга шойи кўйлак ҳам оламиз, хўпми?!» Бобомнинг ёзу қиш тер тўкиб ишлагани, ерни ер, боғни боғ қилиб, уйимизга барака киритгани, менга ҳам чиройли кўйлаклар олиб бергани... Буларни ҳеч унутолмайман...

Яқинда қишлоқдан укам келди. Она маконнинг тафти, соғинчи гўё у билан бирга кириб келгандек уйимиз яшнаб кетди. Ҳол-аҳволлашдик. «Болаларинг қалай?» деб сурадим. «Иккови мактабга қатнаяпти, иккови уйда» деди у. «Уйда ким қарайди уларга, иккаловингам ишда бўлсанглар...» «Келинингизнинг идорасида қисқариш бўлди, уйда бекор ўтирибди» деди.

— Узинг қаерда ишлаяпсан, ҳозир?

— Мен ҳам ишламаяпман.

— Ие, нима билан тирикчилик қиляпсизлар, унда?

— Яқинда сигирни сотдик...

Кузда борганимда кўрганим — елинлари тирсиллаб турган ола говмиш кўз олдимдан ўтиб, ичим куйишди. Узимни чалғитиш учун, бошқа қадрдонларни, қуни-қўшниларни сураб-суриштирдим. Боядан бери менинг койишимни кутиб ўтирган укамга энди «жон» кирди:

— Қўшнимиз Садирқул ака ҳозир роса бойиб кетган. Ўтган йили даштга пиёз экувди, ёз бўйи бола-чақаси билан ўша ёққа кучиб чиқди. Пиёзларининг ҳар биттаси нақ чойнакдай бўлди, ери зур эди-да. Шуни сотиб яқинда машина олди. Ҳалиги... Синфдошингиз Тиловберди акани-чи, энди кўчада курсангиз танимайсиз. Олифта, пўрим бўп кетди уям. Фермани узиники қилиб олганда ҳамма: «Битта колхоз эплолмаган фермани шу эплармишми?» деб устидан кулишганди. Фермасидаги молларни семиртирди, сигирларини кўпайтирди, трактор олди, ер сураб, экин экди. Даромадига ўтган йил қўш қаватли уй ҳам қурди. Фермасигаям четдан одам олишмади. Ўғиллари молга қарайди, аёли, қизлари сигирларни соғишади.

Укамнинг сотилиб кетган ола говмиши ёдимга тушди. Сўнг ачиниш билан дедим: — «Нима бўлгандаям, сигирингни бекор сотибсан.» «Битта режам бор эдида, шунга сотувдим сигирни» деди укам. Қизиқдим. «Хорижга ишчилар керак экан, шунга кетмоқчиман. Икки йилга», «Бола-чақаларни ташлаб-а?» «Уларга кўп пул олиб келсам бўлди-да!» Мен энди уни астойдил койидим: «Ахир сен ҳам даштдан ер олиб деҳқончилик қилсанг бўлмайдими, шунга уриниб кўр...» «Э, опагинамей, мендан деҳқон чиқмайди. Ер билан тиллашолмайман!» «Сенингча, ер чопадиганлар осмондан тушганми?» Укам елка қисди.

Бехтиёр яна бобомни эслайман. Шу укам мактабдан келган чоғларда бобом уни ёнига чақириб оларди. Сўнг иккалови дарахт бутаб, ер чопишарди. Дам олиб ўтирганларида бобом укамга дердилар: «Агар билсанг, ер ҳам одамнинг меҳрига муҳтож. Уни суйсанг, парваришласанг, у ҳам сенга бағрини очиб, хазинасини кўз-кўз қилади. Бу гапларни ҳали тушунмайсан, болам. Лекин, бир кўп келиб «бобом тўғри айтган эканлар» дейсан...

Мен укамга шу гапларни эслатдим. У менга «Жуда соддасиз-а» дегандек қараб қўйди. Сўнг: «Опа, бобомларнинг замони бошқачайди, эндиги замон бутунлай бошқа-да!» деди. «Вой, билагоней, — дедим ичимда. — Индамаса ҳамма айбни замонга ағдаради, бу ёшлар...» Хуллас, укамга гап уқтириб бўлмади. Тезроқ ҳужжатларни тўғрилаш-у хорижга жўнаб қолишдан бошқа нарса унинг кўнглига сиғмасди ҳозир. Худди ўша ёқларда уни тенгсиз жаннат кутиб тургандай. Мен эса нуқул унинг икки йил «отасиз» яшайдиган жужуқчалари ҳақида ўйлардим....

Сиз нима дейсиз?

...Бобомдан қолган боғлар ҳам қариди. Бу боғларни «одам» қилиш учун айрим дарахтларни янгилаш, пайванд қилиш ва яшартириш зарур. Шунда у жуда ажойиб бир боғ бўларди! Лекин бу ишни ким қилади? Бобом меҳр қўйган, бағрида «тилла»ни яширган ерлар ҳам қаровсиз. Бу ерларга ишлов бериш, семиртириш, сўнг экин экиб мўл ҳосил олиш учун икки-уч йил астойдил ишлаш керак бўлади. Лекин, ким ишлайди у ерларда? Биз набиралар кимга ўхшадик, ўзи? Нега ердан бунчалар қочамиз? Нега кетмон чопмоқни узимизга ор биламиз?!

Биз иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини янада шакллантириш йўлидан илдам боряпмиз. Ҳаётимизнинг фаровонлиги аслида шу юксак мақсадларга асосланган. Кишиларимиз бугунги кунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етсаларгина, боқимандалик кайфиятидан қутула оладилар. Биз қишлоқни, ундаги ҳар қарич ерни авайлаб-асраб, қадрига етишимиз лозим. Ахир юртбошимиз ҳам «...Биз-нинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғлик муҳимлиги янада ойдинлашади» дея бежизга айтмаганлар-ку! Қишлоқда яшаётган ҳар бир киши ўзида ерга эгалик ҳиссини тарбиялаши керак. Ерга эгалик — юртга эгаликдир. Инсон учун уз юртининг эгаси бўлмоқликдан шарафли бурч йўқ. Боболари асл деҳқон ўтган менинг укам ва шунга ўхшаш кўплаб ёшларимиз ана шу туйғу билан яшаб меҳнат қилсалар, қанчалар соз! Қаранг, япониялик ҳар бир фуқаро ҳаёти давомида «Мен Япония учун нимадир қилишим керак» деган мақсад билан яшаркан. Хўш, биз не мақсадлар билан яшаяпмиз? Бизнинг юрагимизда ҳам она юртга муносиб фарзанд бўлишдек муқаддас ният борми, аслида?! Шу ҳақда ўйламоқ, шунинг ҳаракатини қилмоқ палласи етди, назаримда. Ана шундагина биз мулкдорлар синфини шакллантирган ва қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдек муҳим вазифани бажарган бўламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

«НУРОНИЙ» ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг ташаббуси билан бошланган ва республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Экосан» халқаро жамғармаси томонидан маъқулланган «Ўзбекистон боғлари — нуроний-лар нигоҳида» ҳаракати Наврўз кунларида барча жойларда кенг қулоч ёймоқда.

Куни кеча шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманида Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд, «Шифокор» маҳаллаларида, талабаларнинг «Ёшлик» шаҳарчасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Мавжуд дарахтларнинг ортиқча навдалари кесилиб, уларнинг таглари юмшатиб қўйилди. Бу ишларда Қурбон ота Носиров, Жаббор ота Ғофуров, Қўчқор ота Йўлдошев, Карим ака Эгамбердиев каби маҳалла фаоллари намуна кўрсатишди.

Малоҳат МИНГБОЕВА.

БУХОРОДА ДОРИ-ДАРМОН ЗАВОДИ

Наврўз байрами арафасида ўзининг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган Шариф шаҳарда янги дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган «Гуфик Ибн-Сино» Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшма корхонаси ишга туширилди. Эътиборли томони шундаки, корхонада 13 гуруҳдаги 117 хил дори-дармон ишлаб чиқарилади. Улар мамлакатимизда биринчи бор тайёрланадики, бу чет элдагидан қолишмайдиган таблетка ва кукунлар суяк бўғинлари иллатларини қичитма, астма, ичбуруғ, сийдик йўли шамоллаши, жигар хасталиги, тери-таносил касалликларига барҳам беришда айниқса қўл келади.

— Бу ерда — дейди корхона бош директори Собир Болтаев, — бир сменада 750 минг дона таблетка, 200 минг дона капсула ишлаб чиқариш мумкин. Бу билан ҳам ўзимизнинг эҳтиёжимизни, ҳам Марказий Осиё ва унинг ташқарисидаги мамлакатлар буюртмасини қондирамиз.

Шу ўринда корхона тўла қувват билан ишласа қандай манфаат кўриш мумкин деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар фикрича, мазкур дори-дармонларнинг Бухорода ишлаб чиқарилиши уни Ҳиндистондан сотиб олишдан кўра икки баравар, Ғарбий Европа мамлакатларидан олиб келишдан эса 4-5 марта арзонга тушаркан. Бунинг иккинчи фойдали жиҳати шуки, хорижга маҳсулот чиқариш йўли билан валюта ишланади. Шунинг эвазига корхонанинг иккинчи навбатини қуриш мумкин. Унда ампула, малҳамлар, тиш тозалаш пастаси, атир совун, атир-упалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУЛАЙЛИКМАС, ДАРДИСАР

Чамаси бир ой бурун дўстимнинг машинасида пойтахтни айландик. Чимкент йўли бўйлаб ғизиллаб кетаётгандик, бирдан тезликни пасайтириб, қандайдир ҳовлининг рўпарасида тўхтади. Машинанинг капотини очиб, кимнидир чақирди.

— Ҳой, бола! Мойингдан опке...

Хизматга ҳозиру нозир турган ўспирин бир литрлик идишдаги мойни зумда машина моторига қуйиб, дўстимнинг 50 сўм пулини олди.

— Мана буни сервис деса бўлади, оғайни. Бир лаҳза вақтимиз кетди, холос, — деди дўстим мамнун жилмайиб ва машинасига газ босди.

Шу воқеа сабаб бўлдию пойтахт йўлларида автобензин, мойлаш маҳсулотлари сотаётган ҳожатбарорлар анча кўпайиб қолганини пайқадим. Уларнинг хизматидан фойдаланаётганлар ҳам оз эмас экан. Зеро, қаергадир шошилиб турганингизда, вақтингиз тиғиз бўлганда уларнинг хизмати асқотади-да! Ҳозир пойтахтнинг Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Ҳамза туманларида автобензин ва мойлаш материаллари билан қонунга хилоф тарзда савдо қилаётган юзлаб нуқталар мавжуд. Уларнинг сони ёмғирдан сўнгги қўзиқориндай кўпайиб боряпти.

Балки бу яхшидир. Аммо уларнинг бирортасидан «ёнилғи-мойлаш материаллари билан савдо қилиш учун рухсатномангиз борми? Мойингиз қаерда ишлаб чиқарилган, сифатини кўрсатувчи ҳужжати борми?» деб сўрангчи, талмовсираб елка қисишади. Башарти, солиқчиларми, назоратчиларми текшириб қолишса борми, ашқол-дашқолини ташлаб, жуфтакни ростлашади. Айби борнинг тиззаси қалтирайди дейишгани шу-да. Ахир, уларнинг шахсий заводи йўқки, бензин ёки мойни ўзлари ишлаб чиқарсалар.

Демак, улар автобензин ва мойлаш материалларини турли қинғир йўллар билан келтиришиб ёки ўғрилаб сотишаётир.

Бундан-да ёмони шуки, бу мойфуруш-ҳожатбарорлар содда мижозларни алдаб чув туширишмоқда. Яқинда йўлдаги мойфурушлар хизматидан фойдаланиб юрган дўстимнинг яп-янги машинасини шатакка олиб устахонага кетаётганини кўрдим. Маълум бўлишича, йўл-йўлакай қуйилган сифатсиз мойлар двигателни ишдан чиқарибди.

Шаҳар экологиясига, ҳусн-чиройига етказаётган зарарини айтмайсизми?

Кўнгироқ

— Сўнгги пайтда двигателлари сифатсиз мой туфайли бузилган автомашиналар сони кўпайиб қолди, — дейди «Тошкент-Лада» акционерлик жамияти бош инженери Мурод Зоидов. — Улар синчиклаб кўздан кечирилганда, аксарият ҳолларда ишлатилган мойлар қуйилгани аниқланяпти. Ҳозир баъзи тадбиркорлар ишлатилган мойларни йиғиб, ўзларича «тоза»лаб, мижозларни алдаб сотишаётир. Оқибатда юзлаб, минглаб техниканинг умрига зомин бўлишаётир.

Бу фирибгарлик. Унинг пайи қирқилмаса, яна кўплаб мижозлар — тажрибасиз автоҳаваскорлар бу дардисар хизматнинг домига тушиб қолиши тайин. Ўйлаймизки, шаҳар ҳокимлиги, солиқ идораси, назоратчилар йўлларимиздаги мойфурушларнинг фаолиятига тегишли баҳо берадилар.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ – ЎЗИМИЗДАН

Хатирчи тумани ҳокими Абдуғани Сафаров билан суҳбат

— Абдуғани ака, сиз яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш Академиясининг раҳбарлик малакасини ошириш курсини тугатдингиз. Туман раҳбари сифатида сизга бу малака ошириш курси нималар берди?

— Президентимиз Ислом Каримов юксак малакали кадрларсиз мамлакатимиз истиқлолини тасаввур қилиб бўлмайди, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук кадрлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак, деб айтган эдилар. Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамизда маънавий жиҳатдан етук ва малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш борасида жуда катта ишлар қилиняпти. Президент ҳузуридаги Давлат ва қурилиш Академиясининг ташкил этилиши ва унда раҳбарлик лавозимида ишлаётган кишиларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилгани бунинг ёрқин далилидир. Биз ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришга ҳаракат қилаётган эканмиз, аввало ўзимизнинг бой тарихий, маънавий- маданий меросимизга суянишимиз, янгиланаётган ҳуқуқий давлат ва жамият асосларини пухта англаб олишимиз керак. Фуқаролик жамиятида шахс асосий ўринга қўйилади. Шунинг учун унинг ҳуқуқларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш зарур бўлади. Биз Академиядаги бир ойлик малака ошириш жараёнида катта маънавий ва ҳуқуқий билимларга эга бўлдик. Ўқиш жараёнида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар биз билан суҳбатлар ўтказишди. Ҳокимиятнинг юқори ва қуйи поғоналари ўртасидаги бундай бевосита мулоқот ҳозирги муаммоларни ечиш йўлида ҳар икки томон учун ҳам бирдай фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

— Очиғини айтиш керак, республикамизнинг қишлоқ жойларида мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш ҳамда ислоҳотлар суръати паст. Хатирчи ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туман. Умуман, сиз яқинда раҳбарлик қила бошлаган туман қишлоқларида ислоҳотларни амалга ошириш, ҳукумат қўяётган асосий вазифалардан бири — саноатни у ерларга олиб кириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Муаммолар ижтимоий соҳада ҳам, иқтисодиётда ҳам кўп. Юқоридан ёки бошқа жойдан келиб, ҳеч ким ўша муаммоларни биз учун ечиб бермаслигини яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам сўнгги бир йилнинг нари-берисида туманни 2000 йилгача бўлган даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасини ишлаб чиқдик. Дастурда энг асосий вазифа қилиб мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларни хизмат кўрсатиш соҳасига, саноатга, кичик тадбиркорликка тортиш, бошқача айтганда, янги иш жойлари барпо этиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш кабилар белгиланди. Бу муаммоларни муайян дастурсиз ечиш қийин. Масалан, туманимизда бир вақтлар Самарқанд «8 Март» фабрикасининг филиали ишлаган, кейинчалик айрим сабабларга кўра, тўхтаб қолган эди. Уни қайтадан ишга туширсак, камида 300-350 киши иш билан таъминланиши мумкин. Яна бир томони, ҳар бир жамоа хўжалиги ҳудудида 30-40 кишилик хизмат кўрсатиш соҳаси учун янги иш жойлари ташкил қилишни бошладик. Шунда туман бўйича ҳаммаси бўлиб, тахминан, мингта янги иш жойи вужудга келади. Бундан ташқари, биз асосий эътиборни ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга қаратяпмиз. Аҳмад Ярлақабов номли жамоа хўжалигида бир кеча-кундузда 25 тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган «Ассалом» фирмаси «Бизнес-фонд»нинг туман бўлимидан 10 миллион сўм қарз олиб, иш бошлади.

Президентимизнинг, ўзига чет эллардан шерик топмаган корхоналарнинг келажаги бўлмайди, деган кўрсатмаларига амал қилиб, Навоий кон-металлургия комбинати қўмагида «Учқора» жамоа хўжалиги ҳудудида майизни қадоқлаб, экспорт қиладиган қўшма корхонани ишга туширишга тараддуд кўряпмиз. Бу билан, биринчидан, ўз маҳсулотимизни жаҳон бозорига чиқариб, эркин муомаладаги валюта ишлаш имконига эга бўламиз, иккинчидан эса, янги иш жойлари ва қўшимча даромад яратилади. Одамларнинг моддий фаровонлигини ҳам оширишга шароит туғилади. Кўпчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш деганда, уларни консервалайдиган ускуналар сотиб олиб, кичик корхона очишни истайди. Ният яхши, лекин уларга харидор топиладими, рақобатга дош бера оладими, йўқми, буни ҳам ўйлаб кўришимиз зарур. Чунки бозорни ўрганиш, бизнес тили билан айтганда, маркетинг билан шуғулланишимиз ҳам керак-ку.

Шунингдек, туманимизда саноатни ривожлантириш ҳам мавжуд. Масалан, Лангар конидан топилган гранит сифат жиҳатидан дунё бозорида ҳам ноёб ҳисобланади. Айни пайтда италияликлар билан биргаликда ўша гранитни қайта ишлаш бўйича қўшма корхона тузиш борасида тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

Уй-жой қурилиши ҳам ўткир ижтимоий муаммолардан биридир. Ибн Сино номли жамоа хўжалигида бир йилда 18 млн. дона ғишт ишлаб чиқарадиган корхона қурилмоқда. Бунинг учун керакли маблағларни топиб бердик. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, туманнинг ушбу қурилиш ашёсига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Ортиб қолган ғиштларни бошқа туманларга сотиш имкони ҳам пайдо бўлади. Бундан ташқари, Лангарда оҳак ва йўл қурилиши учун энг керакли бўлган майда тошлар ишлаб чиқарадиган завод қуришни режалаштиряпмиз.

— Қишлоқларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, газлаштириш муаммоларини ечиш борасида туманда нима ишлар қилиняпти?

— 1996 йили Хатирчида газлаштириш масаласида анча ишлар қилинди. Ҳозирги кунда туман марказидан «Зарафшон» жамоа хўжалигига узунлиги 30 км. юқори босимли газ қувури тортилмоқда. 6 километрлик иш қолган. Бу иш охирига етказилса, туманимизнинг энг чекка жамоа хўжалиги газ билан таъминланади. «Олтинсой» жамоа хўжалигида ҳам газлаштириш ишларини давом эттиряпмиз. Лангар қўрғонига Нурота тумани орқали газ олиб бормоқчимиз. Ана шу ишларни амалга оширсак, газлаштириш муаммоси тўла ҳал этилади.

Ичимлик сувига келсак, Хатирчининг суви шўрлангани боис, ичишга яроқсиз бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам 1996 йили бешта жамоа хўжалигига ҳар бири 5 млн. сўмлик сув тозалайдиган мослама ва контейнер Германиядан олиб келиб ўрнатилди. Боз устига, Янгиработ шаҳрига унинг яқинидан ўтган «Дамхўжа» катта сув қувуридан иккита қувур тортилади. Бу ишлар давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда хўжалик бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Дастуримизда 2000 йилга бориб, 146 минг киши истиқомат қиладиган туманнинг қарийб 90 фоиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни кўзда тутганмиз.

— Тадбиркорликни ривожлантириш ҳам долзарб муаммолардан биридир. Ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг асосий қисмини ўрта ва кичик корхоналар етиштираётган маҳсулотлар ташкил этади. Уларнинг иқтисодиётнинг умуртқа поғонаси, деб аталиши ҳам бежиз эмас...

— Туманимизда тадбиркорликни, жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича муайян ишлар қилиняпти. Ўтган йили ўз маблағига эга бўлмаган 17 та корхона эгаси ҳокимликка ёрдам сўраб мурожаат қилган эди, уларга туман, вилоят ва республика жамғармаларидан 22 млн. сўм кредит олиб бердик. Улар бугунги кунда туман аҳолиси эҳтиёжларига мос товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Масалан, «Атлас» кичик корхонаси мактаблар учун парталар ишлаб чиқаряпти. Унинг маҳсулотлари қўшни туманларга ҳам сотилмоқда. Янгиработ шаҳрида Германиянинг «Винклер» корхонасида ишлаб чиқарилган новвойхона ишга туширилди. У бир йўла 13 хилдаги нон маҳсулотлари тайёрлайди. Ҳукуматимизнинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ички имкониятлар ҳисобига қондириш мақсадида юритаётган сиёсатига жавобан ғалла экишга ҳам катта эътибор бериляпти. Энди Амир Темур номли жамоа хўжалигида етиштирилаётган ғаллани тортадиган ун заводини қурмоқчимиз. Шу вақтгача, майда хусусий тегирмонларни ҳисобга олмаганда, туманимиз ҳудудида ун тортадиган завод йўқ эди.

— Ўтган йили ҳосил байрами билан бирга туманда яна бир хайрли тадбир амалга оширилди. Ҳокимлик байрам баҳона Хатирчи тарихини ва маънавий қадриятларни тиклаш ва у билан халқни таништириш ишларига бош-қош бўлди. Туман аҳлининг ўз жойи тарихига бўлган қизиқиши янада ортди...

— Маънавиятни юксалтириш учун, аввало унинг нималар асосида шаклланишини ҳам билиб олиш керак бўлади. Халқ ўзлигини тарих, дин, маданият, ота - боболаридан қолган урф - одатлар, анъаналар орқали англайди. Сир эмаски, халқимиз атеистик тазйиқ ҳукмрон йиллар бундай тушунчалардан бир оз узоқлашди. Айрим кимсалар инсоф, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш, етим-есирларга, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш каби тушунчаларнинг фарқига бормай қолди. Бозор шароитида ҳалол йўл билан бизнес қилиш, бойлик орттириш ўрнига жиноятчилик, қаллоблик, инсофсизлик, фирибгарлик, товламачилик каби иллатлар авж олиб кетмаслиги учун бизга, аввало, маънавият керак бўлади. Бозор муносабатларида чангалзор қонунлари ҳукмронлик қилишига қарши туриши мумкин бўлган бирдан-бир нарса маънавиятдир. Бинобарин, туманимиз ҳудудида азиз-авлиёлар, хусусан, шаҳардаги Гадойселкин ота, Бурҳониддин Марғиноний мақбаралари ободонлаштирилмоқда. Ул зоти боборакотлар фақат дин пешволари бўлиб қолмай, одамларни эзгуликка, инсофга, маънавиятли бўлишга даъват ҳам этишган. Хатирчида тарихий шахслар номи билан боғлиқ кўпгина жойлар бор. Бундан ташқари, Сангижумон қишлоғидаги Тешиктош атрофларидаги тошларда, шунингдек Қизқўрғонда ибтидоий жамоа тузимида яшаган кишилар чизган суратлар, ёзувлар сақланиб қолган. Улар ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди. Яқинда Навоий шаҳридаги «Фарҳод» саройида ўша тарихий тошлар, улардаги суратларга бағишланган бир фотокўргазма уюштирилди ва одамларда катта қизиқиш уйготди. Бу билан мен шуни айтмоқчиманки, Буюк ипак йўли бўйида жойлашган Хатирчининг ҳам кўп минг йиллик тарихи бор. Биз ўша тарихий жойларни ўрганиб, сайёҳлик маршрути ташкил қилишни ўйлаяпмиз.

Келажаги буюк давлат қуришга салоҳиятимиз ҳам, хом ашё ресурсларимиз етарли. Улардан оқилона фойдаланса, миллий маънавиятимиз, бой тарихий қадриятларимизга таяниб иш тутсак, албатта, кўзлаган мақсадимизга эришамиз, деган умиддаман.

Суҳбатдош: Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Ислоҳот ва масъулият

Хатлар Хатлар Хатлар

ҚОНУН ҲАММА УЧУН ТЕНГ-КУ?

Нурота тоғ тизмалари орасидаги олис қишлоқларнинг бирида яшаймиз. Кичкинагина шифохонамиз бор. Яқин-яқингача унинг эшигида СВА (сельский врачебный амбулатория) деб ёзилган пешлавҳа турарди. Вилоятдан келган комиссия бунинг учун шифохона мудирини ишдан бўшатишга буйруқ берди. Чунки у Давлат тили ҳақидаги қонунни бажармаган эмиш. Қишлоғимиз аҳли шифокор мудирга ўрганиб қолишган эди, унинг ишдан кетишига анча ачиндик. Лекин қонун ҳамма учун баробар, уни бажармаганлар бундай жазога лойиқ, деб ўйладик.

Кўп қатори мен ҳам шундай фикрда эдим. Аммо яқинда пойтахтимиз Тошкентга бориб академик Восит Воҳидов номидаги жарроҳлик марказига кирдиму фикрим бутунлай ўзгарди. Бу ердаги ҳамма нарса рус тилида экан. Қабулхонада оғзим очилиб қолди: беморларни кўриш тартиби-ю барча эълонлар, маълумотномалар, телефон рўйхати ва ҳоказолар собиқ иттифоқ давридан қолганича турибди. Ҳеч нарса ўзгармаган, ҳатто эшик оғалари ҳам ўзбек тилини мутлақо билмайдиган кишилар. Давлат тили ҳақидаги қонун бизнинг олис қишлоқларгаям етиб, ўз кучини кўрсатибди-ю наҳотки пойтахтдаги ушбу тиббиёт масканига кириб бормаган бўлса?

Гулбаҳор БОЗОРОВА,
Нурота тумани.

ТАЛАНТЛАР ХАЛҚ ОРАСИДА

Тўйларни ўтказиш тартиби ҳақида матбуотда 20-25 йилдан бери баҳс давом этмоқда.

Кейинги 10-15 йил давомида бу йўналишда янги тажрибалар тўпланди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози» газетасида босилган «Тўйга ўйинчи керакми?» сарлавҳали мақола тўйлар мавсуми бошланиб кетаётганлиги муносабати билан янги аҳамият касб этади.

Бинобарин, тўйга ўйинчи қидириб, сарсон-саргардон ва чиқимдор бўлиш ўрнига клублар ва маданият уйларида яхши ниятда қўлига соз олаётган ва хониш қилаётганларнинг хизматидан фойдаланиш лозимлиги ҳақидаги фикр диққатга сазовор. Ҳозир машҳур санъаткорлардан қолишмайдиган, лекин кўпчиликка етарли маълум бўлмаган хонанда, раққосаларимиз бор. Тўй қилувчилар ана шундай талантларни ахтариб топсалар, ўз ишларини осонлаштирган бўлардилар.

Ҳ. СОБИРОВ,
Тошкент шаҳри.

ИЛТИМОСИМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

46 йилдан буён узлуксиз меҳнат қиламан, тракторчиман. 1989 йилда иш пайтида, яъни тракторимга прицеп улаётганимда прицеп айланиб кетиб, умуртқа суякларим қаттиқ жароҳатланди. Аммо врачларнинг кўрсатмасига қарамай, менга ногиронлик нафақасини тайинлашмади. Шундан буён касалхонама касалхона даволаниб юрибман. Ҳозир Тошкент шаҳар Оқтепа мавзесидаги пульмонология илмий-текшириш институтидаги суяк касалликлари бўлимида ётибман. Нафақага чиқишимга ёрдам беришларингизни сўраб сизларга мурожаат қиляпман.

Мен ўзимга ногиронлик нафақаси тайинлашларини сўраб жуда кўп юқори ташкилотларга аризалар ёзиб мурожаат қилдим, фойдаси бўлмади. Наҳотки, менинг илтимосларим эътиборсиз қолса?..

Ёдгор ҲУСАНОВ,
Қашқадарё вилояти, Касби тумани,
«Қашқадарё»жамоа хўжалиги,
Денов қишлоғи.

РАДИО ТАРМОҒИГА НИМА БЎЛДИ?

1953 йилдан буён радио тармоғидан фойдаланиб келардик. Унинг афзаллиги шуки, электрга ёки бирор қувват манбаига улашга ҳожат йўқ. Ишдан келган заҳоти қулоғини бурасак бас, турли янгиликлардан бохабар бўлиб, ёқимли куй-қўшиқлардан роҳатланиб, ҳордиқ чиқарардик.

Биз яшаётган кўча янгиланиб кенг ва равон, чароғон йўлга айланди. Уйлар газлаштирилди, телефонлар қўйилди. Бундан барчамиз мамнун ва хурсандмиз. Аммо шу кезгача радиодан дарак бўлмаяпти. Кўп жойларга мурожаат этдик, натижа чиқмаётир.

Газеталарда кўпинча туман ва қишлоқларда радио тармоқларини яхши ишламаслиги танқид қилинади. Бироқ Тошкентнинг ўзида радио тармоқларининг ишламай ётгани негадир ҳеч кимни ўйлантирмаётганига ҳайронмиз.

М. ҚОСИМОВА,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Зарқайнар кўчаси, 258-уй.

(«Хатлар, хатлар, хатлар...» рукни материалларини Норбобо ШАКАРОВ саралади).

Тиш тозалаш пастаси ўзимизда чиқади.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

САМАРҚАНДНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ДИРИЖЁР

Шу кунларда мамлакатимиз пойтахтида таниқли санъаткор, Нью-Йорк опера театрининг дирижёри Винстон Дэн Вогель меҳмон бўлиб турибди. Унга опера санъати усталаридан Дарсия Стефани Паради ҳамда Маки Огасавара ҳамкорлик қилишмоқда. Қизиғи шундаки, ўз даврида Ковент Гарден, Метрополитен-опера, Монте Карло каби йирик театрларда дирижёрлик қилган В. Д. Фогель ўзбек саҳнасига кўтарилади. Унинг ташрифи санъат шинавандалари учун Халқаро театр кунига муносиб туҳфа бўлди.

Ўтган куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида Ж. Пучининнинг «Чио-чио-сан», кейинроқ эса Ж. Бизенинг «Кармен» операларига В. Фогель дирижёрлик қилади. Айни пайтда «Чио-чио-сан» операсида канадалик Дарсия Стефани Паради ва япониялик Маки Огасавара мадам Батерфляй ҳамда Сузуки партияларини ижро этишди.

Меҳмонлар билан ўтказилган матбуот йиғилишида таниқли дирижёр В. Фогель қизиқ бир гапни айтди. Маълум бўлишича у болалик чоғлари қадимий Самарқандга бағишланган суратлар альбомини томоша қилгач, бу кўҳна шаҳарга меҳри тушиб қолган экан. Шундан бери Самарқандни кўриш ниятида бўлган. Ва ниҳоят, бугунги кунда опера санъатининг йирик намояндаларидан бирининг орзуси ушаладиган бўлиб турибди.

Наргиза МАҲКАМОВА.

МАКТАБ ҲОВЛИСИДАГИ ЖАСАД

Ёмон бошини ейди

Тақдир тақозосига кўра Ирина иккинчи бор турмушга чиқди. Бировларга ўхшаб тақдиридан нолимади. Пешонасига ёзилганидан шукр қилди. Фақат у эри Иван Прокопьевдан ичкиликка ружу қўймаслигини қайта-қайта илтимос қилди. «Шиша ичига кириб ётганларидан» безганлигини айтди.

Иван Иванович аёлига ён босди. «За компанию» учунгина ичишини айтиб, юпатди. Иринанинг эргашмалари — Татьяна, Оляга оталик меҳрини улашишлиги уларда ўз қизи баробаридалигини бот-бот уқтирди.

— Раҳмат сизга, Иван Иванович, демак адашмаган эканман.

Ирина Михайлынская бу тавозени ниҳоятда эшилиб айтди. Юрак амри билан айтди.

Ҳаёт англаб бўлмас сир. Унинг бир тонги тор, бир тонги кенг. Ўшандан-да ташлаган қадаминг баъзида тўғри, баъзида нотўғри чиқади. Чунки биз эртани олдиндан кўрадиган авлиё эмасмиз. Ҳўл деганимиз қуруқ, калтафаҳм деганимиз доно эканлигидан лаб тишлаб қоламиз. Худди шу нуқтаи назардан Иринаям, Иван Ивановичам бирга турмуш қуриб, қаттиқ адашганди. Аниқки улар ҳам буни билишмаган.

